



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITCHOR PALATASI
INV. №

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 134 (9.172)

1998 йил

13 ноябрь, жума

Сотувда эркин нархда

НАВОИЙ ВИПОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



11 ноябрь куни халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмита, компания ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Навоий вилояти саноат ва иқтисодиёт, энергетика ва тоғ-кон саноати жиҳатидан мамлакатимизда олдинчи ўринларда туришини қайд этди. Мустақиллик йилларида вилоятда қўллаб-йирик корхона

налар ишга туширилди. Шу билан бирга, кейинги йилларда пахта ва ғалла етиштириш режалари муттаҳид бажарилмаёпти. Пахта ва ғалла уруғчилиги тизими шаклланди, деҳқонларнинг ерга муносабати ўзгармаган. Қорақўлчилик ҳўжаликлари ривожлантиришга, қимматли қўғозлар бозорини шакллантиришга эътибор кам. Виловат корхоналари оиборларида қўллаб маҳсулот тўпланиб қолган.

Вилоят раҳбарияти фаолиятида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари авж олган. Улар ҳали ҳам эскидан қолган қоллилар асосида иш юритмоқда. Натияжада халқнинг раҳбарларга ишончи йўқолган, виловатда маънавий муҳит бузилган.

Йўлбошчимиз бундай иллатлардан қутулиш учун замон талабларига жавоб берадиган малакали ёш мутахассисларни тарбиялаш, давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат мулкани хусусийлаштиришни тезлаштириш лозимлигини таъкидлади. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш зарур.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Х. Гаффаров ўз аризасига биноан Навоий виловати ҳокими вазифасидан озод этилди.

Махсус «Оқшом» учун

ТОШКЕНТЛИК САЙЁХ — САУДИЯ АРАБИСТОНИДА

Велосипедда дунё кезаётган матонатли ватандошимиз Мурод Қосимов икки ойдан сал кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркия, Сурия ва Йордания мамлакатлари шаҳар-қишлоқларида бўлиб,

БУГУН

Саудия Арабистони ҳудудига республикамиз кримизи байроғини боши узра хиллратиби кириб борди.

Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам тошкентлик сайёҳни маҳаллий аҳоли нон-туз ва анвойи гуллар билан қутиб олди. Биринчи учрашувдаёқ суҳбатлар қизиқ кетди.

Мурод Қосимов Тошкентта сям қўқиб, маълум қилишча, у Саудия Арабистонидан анча муддат бўлиб, мамлакатнинг деярли ҳамма шаҳарларига ташириф буюради.


Шундай қилиб, жаҳонгашишлар Араб мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. У шу кунгача 4000 километрдан зиёд йўлни «пўлат отида босиб ўтди. Соғлиги, кайфияти яхши.

Ортиқали

ТИЛОВБЕРДИЕВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

«МУЛОҚОТ» МУЛОҚОТГА ЧОРЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий» ислотларини янада чуқурлаштириш ва унинг самардорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент шаҳар ҳокимлигида маънавий-маърифий ишлари мувофиқлаштириб олиш, унинг мазмуни, шакли, мавзу доираси ва савиясини ўз вақтида таҳлил қилиб, ўрганиб, тавсиялар ишлаб чиқиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг давомийлигини, узвийлигини ва узлуқсиз фаолиятини таъминлаш мақсадида «Мулоқот» жа

моатчилик кенгаши тузилган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтган куни бўлиб ўтган «Мулоқот» жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллаларда ўрганишни йўлга қўйиш хусусида гап борди.

Йиғилишда сўзга чиққан республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раиси С. Салимов, жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг кафедре мудири, фалсафа фанлари доктори Қ. Хоназаров, Тошкент автотранспорт йўл институтининг кафедре мудири, тарих фанлари доктори Ж. Ибодов, тарих фанлари номзоди Н. Ҳасанов, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Гуломов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг халқимиз

ҳамда жамоатчилик ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотган «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари» каби машҳур асарлари киритилган ушбу китобда буюк келажак сари дадил олға бораётган республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қондалари, чинакам ҳўқуқий-демократик давлат барпо этишининг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар теран таърифлаб берилганлигини алоҳида таъкидлади.

Президентнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини пойтахтликлар томонидан ўрганишни ташкил этиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ СОҲАСИДА ИСПОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 11 ноябрь куни яқинда республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган коммунал хўжалигида иқтисодий ислотларни чуқурлаштириш ҳамда аҳолининг уй-жой-коммунал хизматлари ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишларини яхшилаш юзасидан чоралар тўғрисидаги қарорларни ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, уй-жой-коммунал соҳаси мутасадди раҳбарлари ҳамда маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулганов олиб борди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий-коммунал фойдаланиш бйрламаси бош директори Виктор Дорохов ҳўкуматнинг ушбу қарорлари бажарилишини таъминлаш учун

амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда уй-жой-коммунал хўжалигида иқтисодий ислотларни чуқурлаштириш бугунги кун талаби эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бозор иқтисодиёти шароитларида фойдаланилган газ, сув, иссиқлик, электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш зарур. Айнаи вақтда улардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун ҳар бир хонадонга газ, сув ва иссиқлик ўлчагичлари ўрнатиш талаб қилинади. Бу ишларни амалга оширишда ҳар бир кўп қаватли бинолар ва маҳаллаларда ташкил этиладиган уй эгалари кенгашлари асосий роль ўйнайдилар. Йиғилишда уй-жой-коммунал хўжалигида ислотларни янада чуқурлаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги Виталий Отаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони шу соҳа ходимлари олдида гоят салмоқли вазифаларни юқлади. Улар нималардан иборатлиги хусусида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бoшқармасининг бошлиғи Малика ЗИЯЕВА билан суҳбатлашдик.

— Малика Абдуллаева, мазкур Давлат дастури ўз олдида нималарни мақсад қилиб қўйган?

— Республикаимиз миқёсида бўлгани каби шаҳримиз соғлиқни сақлаш тизими ҳам бугунги кунда ислохотларга муҳтож бўлиб қолган. Шунга кўра бу соҳанинг етуқ мутахассислари иштирокида Дастур ишлаб чиқилди. Унинг мақсади юртимиздаги ҳар бир фуқарога малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашдир. Дастур лойиҳаси муҳокамаида ҳам Президентимиз билдирган фикрларини марказида инсон омили турди. Шунингдек, Дастур юртимиздаги соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш

жарроҳлик, травматология соҳаларида ҳам аста-секин намоён бўлмоқда. Ишининг бундай ташкил этилиши беморларга қўлайлик туғдиради, давлат маблағи эса тежаллади. Яна бир қизиқ

ларнинг тиббий масканлари ҳам пойтахтимизда жойлашган.

— Фармонда хусусий тиббий муассасалари ҳақида ҳам сўз боради. Лекин бу борада айрим-

МАҚСАД — МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

ҳолат. Бизнинг айрим шифокорлар Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида малака ошириб қайтидилар. Маълум бўлишича, 12 миллионлик шаҳарда бор-йўғи 25 та тиббий хизмат маркази бор экан. Шаҳримизда эса икки миллиондан сал кўпроқ аҳоли учун бизнинг бош бoшқарма тасаруруфида 185 та тиббий муассаса хизмат кўрсатади. Бунга қўшимча равишда турли вазирлик ва идора

лар «Тиббий хизмат пули бўлармиш» деган ўйга тушди. Бу безовталиқ ўринлими?

— Давлат Дастурига асосан давлатга қарашли тиббий муассасалар билан бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам фаолият кўрсатади. Шундай экан, хусусий шифохоналар пайдо бўлишидан чўчимаслик керак. Бунинг иккита ижобий томони бор. Биринчидан, хусусий шифохона маъмурияти бе

морларни ўзига кўпроқ жалб қилиш мақсадида тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга ўз-ўзини шифокорларнинг ўта малакали бўлишига эришади. Иккинчидан, давлатга қарашли тиббий муассасаларнинг камийиши уларга ажратилган маблағнинг қўлайлишига олиб келади. Бу эса ушбу турдаги муассасаларда тиббий хизмат юқсалишини таъминлайди.

Биз сўз юритаётган давлат Дастури 2005 йилгача мўлжалланган. Келаси йилда шаҳримиздаги соматиқ, яъни турли касалликлар бўйича хизмат кўрсатадиган шифохоналарнинг 6 фоизи ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлайдиган бўлади. Бу ҳол 2000 йилда 15 фоиз, 2001 йилда 30 фоиз, 2002 йилда 45 фоиз кўрсаткичга эга бўлади. Давлат дастурига асосан хусусий шифохоналарда тиббий хизматнинг 20 фоизи бепул кўрсатилишига эришишни ҳам кўзда тутилган. Яна шунини айтишим лозимки, бугунги кунда шаҳримизда беморларнинг ўртача 40 фоизи ихтисослашган, яъни тери-тано

Абдумалик
АБДУРАХМОНОВ
суҳбатлашди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШ конгрессининг сенатори Ричард Шелби раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қўра Файзулло Дилов Навоий виловиятининг ҳокими этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қўра Ҳаёт Гаффаров ўз аризасига биноан Навоий виловиятининг ҳокими вазифасидан озод этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қўшни Тожикистонда сўнгги кунларда юз берган воқеалар муносабати билан брифинг бўлиб ўтди. Брифингда Ўзбекистон ҳўкумати Тожикистонда юз берган воқеаларни қўшни мамлакатнинг ички иши, деб ҳисоблайди ва бу ерда тинчлик тикланишига олиб келадиган барча ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди, деб таъкидланди.

● Самарқанд виловати пахтакорлари пахта тайёрлаш режасини республикада биринчи бўлиб бажардилар. 250 минг тонна пахта самарқандликлар қўли билан уйилди.

● Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг мажлисида «Реклама тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

● «Ўзэкспомарказ»да халқ истеъмоли молларининг туртинчи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш жиҳозлари иккинчи халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг ўн бешдан ортқ мамлакатидан қирққа яқин фирма ва компания иштирок этди. Шунингдек, кўргазма пештахталаридан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг маҳсулотлари ҳам жой олди.

● Халқ депутатлари Самарқанд виловати Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қараб чиқилган масалалар Тошкент виловати педагогик ходимлари малакасини ошириш институтида ўтказилган таълим тармоғи мутахассисларининг йиғилиши диққат марказида бўлди.

● Навоий номли театр фойеидада Польша мустақиллиги қайта тикланганлигининг 80 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

● Бухорода виловатда биринчи академик лицей ўз фаолиятини бошлади.

● Кеча Киночилар уйида ўзбек кино усталари яратган «Севги...» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

● Бугун Ўзбекистон Миллий мабтуот марказида Ёшлар театрларининг «Хўмо» Халқаро театраль фестивалига бағишланган мабтуот анжумани ўтказилди.

● Тошкентда қилинбозлик бўйича уч қарра жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинларининг қумуш медали соғирдор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Со бир Рузиев соғирнорни учун аънавий йиллик халқаро турнир бошланди.

ЖАҲОНДА

● Кеча кайинги 25 йил мобайнида Япония Бош вазир К. Обутининг биринчи бор Москвага расмий ташрифи бошланди. Унинг Россия Президенти Б. Ёлцин ва Бош вазир Е. Примаков билан учрашуви пайтида Жаҳон бўйи Күриль бўйича ҳудудий масалалар, Россия билан Япония ўртасида тинчлик шартномасини имзолаш иштироки, иқтисодий ёрдам хусусидаги масалалар муҳокама қилинди.

● Кеча Белоруссия Президенти А. Лукашенко ва Литва Президентини В. Адамкус чегара ҳудудидида жойда учрашдилар ва икки мамлакатнинг чегараларида ва иқтисодий ҳамкорлик масалаларига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

● Туркия Республикасининг Президенти Сулаймон Демирел икки кунлик ташириф билан Ашгабадга келди. Туркменистон Президенти Сапармурод Нйёзов билан учрашуви пайтида туркман газини Европада элтиш муаммолари муҳокама қилинди. Сулаймон Демирел шунингдек, Мустафо Камол Отатурк ёдгорлиги ва Туркиянинг ҳомийлигидаги қўллаб-қувватлаши билан бунёд этилган масжид очилишида ҳам иштирок этди.

● БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича комиссияси Бағдоддан ўз экспертларини олиб чиқиб кетишни давом эттирмоқда. БМТ Бош котиби Кофи Аннан экспертларнинг ишлаши учун зудлик билан шароитлар яратишни талаб этиб яна Ироққа муросават қилди.

● Чилининг собиқ диктатори Пиночет ўз халқининг судини тан олиши ҳақида баёнот берди. Бу баёнот Буюк Британия газеталарида эълон қилинди.

● Европа Иттифокки раҳбарияти Литва, Латвия, Словакия, Руминия, Болгария ҳамда Мальта давлатлари шу йилнинг охиридан бошлаб маазур ташкилотга қабул қилиниши борасида расмий музокараларни бошлаш мумкинлигини эълон қилди.

● Россия ҳўкумати раҳбарияти билан Москвада бўладиган музокараларда қатнашадиган Жаҳон банкнинг президенти Жеймс Вулфенсон иқтисодий ҳаракатларга интилишида Россияга ёрдам берилишини айтиди.

● Анкара мери қорғушунда айбонлиб, ҳўбсга олинди.

● Кеча Австрия Республикаси кўнини байрам қилди.

● Кеча Жаҳон сифат кўни нишонланди.

● Бугун буюк француз актёри Жан Марэни дафн этиш маросими бўлади. У Кандидга қабристонга дафн этилади.

● Норвегия юстиция вазирлиги россияликларга Шимолй Норвегиянинг аҳоли пунктларидаги қўчаларда савдо-сотик ишларини олиб боришга рўхсат берди.

● Чоршанба кўни Европада биринчи жаҳон уруши тамом бўлганлигининг 80 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Парижда Франция Президенти Жак Ширак ва буюк Британия қироличаси Елизавета II уруш қўрбонлари ёдгорлигига гуллар қўйдилар. Ушбу маросимни ана шу кўнларга ҳаёт бўлиб этиб келган биринчи жаҳон уруши фахрийларидан турт киши қўзатди.

● БМТнинг савдо ва таракқиёт бўйича Конференцияси бош котиби Р. Рикоперо Европа Иттифокки мамлакатларини, шунингдек, АҚШ ва Японияни Россиядан ҳамда МДҲнинг бошқа мамлакатларидан келадиган импорт маҳсулотлари учун эшикларни кенг очиб қўйишга чақирди.

● Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳирада ўтказилган еттинчи Халқаро араб мусикаси фестивалида қатнашган Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қозидида «Сўғдиёна» халқ қолғу асбоблари қаммер оркестри юксак ижро маҳорати учун анжуман дипломига сазовор бўлди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрининг етакчи рақосаларидан бир ғуруҳи Парижда ўтказилмадиган балет артистлари халқаро танловига қатнашиш учун жўнаб кетди.

● Вьетнамнинг 1998 йилда ғуручнинг экспорт қилиши сўнгги ўн йиллик даражага солиштирганда рекорд кўрсаткичга етди. Гарчанд, жорий йилда Вьетнам икки марта оғир табиий оғатлардан азият чеккан бўлса-да унинг ғуручнинг экспорт қилиш даражаси 3,8 миллион тоннага етди.

● 1997 йилга қараганда жорий йилда Хитойда йўл-транспорт ҳодисалари соғи бир неча фоизга ошди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида мамлакат бўйича 250 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси рўйхатга олинган. Бу — ўтган йилнинг шу даврига қараганда 11,4 фоиз кўпдир. Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 55 минг киши ҳалок бўлган ва 226 минг киши жароҳатланган.

● Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳирада армрестлинг бўйича XIX жаҳон чемпионати аюқланди. Жаҳоннинг 38 мамлакатидан қатнашган ана шу турнир доирасида ногиронлар ўртасида армрестлинг бўйича II жаҳон чемпионати мусобакалари ҳам бўлиб ўтди. Унда ўн икки мамлакат спортчилари қаторида Ўзбекистондан Ҳасан Матқурбонов ва Умид Аҳмедовлар ҳам қатнашдилар. Финал беллашувида россиялик Владимир Ширко билан учрашган Умид Аҳмедов жаҳон чемпиони ўлинибга сазовор бўлди.

● Сеулда академик эшак эшиш бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистонлик 16 нафар спортчи иштирок этди. Кореяда В. Тримасов, Д. Криво, Р. Бичурин ва Р. Шакусбаевлар аюйиб маҳорат кўрсатишиб, олтин медалга сазовор бўлишди. Э. Керимов иккинчи ўринни эгаллади. Яна тўрт ўзбекистонлик спортчи маррага учинчи бўлиб етиб келди.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрь Фармони урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва анъаналаримизни менсимайтган, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўйётган «бойвачча»ликка берилган — халқимизга иснод келти-
раётган шахсларнинг жловини тийиб қўядиган бўлди. Президент Фармонини республикамиз фуқаролари қатори Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси жамоаси ҳам қизгин қутиб олди.**

Фармон эълон қилинган кундан бошлаб транспорт корхоналарида йиғилишлар ўтказилиб, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва марҳумлар хотирасига бағишланган маросимларни тартибга солиш, дабдабозликка йўл қўймаслик ҳақида фойдали фикр ва мулоҳазалар айтилмоқда. Жамоатчи мухбирларимиз транспорт корхоналарида бўлиб, Президенти

Фармон ва пжро

ХАЛҚИМИЗ УРФ-ОДАТЛАРИ — МУҚАДДАС

УНГА РИОЯ ҚИЛИШ ҲАР
БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

дент Фармони муҳокамасида қатнашди-лар ва турли касб эгаларининг дил сўзларини ёзиб олдилар.

3-автотбус корхонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қизгин муҳокама қилинди. Корхона раҳбари Мухтор Йўлдошев Фармоннинг матинини йиғилганларга ўқиб эшиттирди. Сўнгра Ватанимиз истиклолини мустақамлаш учун миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, маънавий бойлигимизни мустақамлашда ҳушёрликка қорлайдиган бу ҳужжат ҳақида тўқинлиниб сўзла-ди.

— Президентимизнинг долзарб мавзунини кўтариб чиққанларидан мамнунимиз, — деди Мухтор Йўлдошев. — Ўзингиз дўпини ерга қўйиб бир ўйлаб кўринг. Ресторанларда катта дошқозонларда ош дамлаб тарқатиш, диний маросимларни дабдабали қилиб ўтказиш ёки туғилган кунлар дастурхонини спиртли ичимликлар билан тўндириш кимга керак? Мисқоллаб йиғилган доллар ва сўмларни ботмонлаб сарфлашдан ким наф олади?

Оилави моддий қашоқлаштириладиган бу оддий шўхратпарастлик, ўзининг «сахий»лигини кўз-кўз қилиш маънавий қашоқлик белгисидир. Биз транспортчилар сохта хўжақўрсинликни қоралаймиз, бола-чақаларимизнинг ризқини ўзига едир-рамит, соғлом авлод тарбиялаймиз. «Элим деб, юртим деб» фойда келтиришни жон-дилимиздан истаймиз.

— Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтларда сохта «бойвачча»лар билан беллашадиган шахсларнинг учраб туриши кўпчили-ни ташвишлантириб келган эди. Узоққа бормайлик, яқинда бир танишим тўйида-ги ноўрин харажатларни кўриб, ич-ичимдан ачиндим. Кўвнинг жўралари 10 та оқ рангдаги «ГАЗ-31» енгил машинаси ва «Мерседес»да келиннинг уйига келиб уни-нг 30 га яқин дўгонаси билан никоҳ қайд қилиш маросимига олиб кетди. Келин ва унинг тилла тақинчоқларга бурканган ян-гаси катта илтифотлар билан келин-куё-вага ажратилган «оқ тулпор»га ўтиришди. Эшитишимча никоҳ қайд қилиш уйда, воёга етмаган қизлар ҳам шампаъ ва коньяк ичимлигидан татиб кўрибдилар. Бунинг устига ширинликлар, музқаймоқ-лар ейиш, миллий анъаналаримизга зид рақсларга тушиш урф-одатларимизни оёқ ости қилиш эмасми? Куёв ҳар бир ма-шина учун 10 минг сўмдан ҳақ тўлашини

қандай баҳолаш мумкин? Уйлайманки, ди-ни исломда ҳам йиллаб йиғилган мол-дунёни бекорга исроф қилиш гуноҳи азим саналади, — деди сўзга чиққан темир қи-смарига ишлов бериш бўлимининг чи-лангари Ғайрат Эргашев.

— Президентимизнинг Фармони ўз вақ-тида чиққанини Ўзбекистон меҳнатқашла-ри очик кўнгил билан қутиб олдилар, уш-бу Фармон тўй ва маъракаларни тартиб-га солишда ҳақиқий дастуриламал бўлиб қолишига ишонамиз, — деб сўзида да-вом этди ҳайдовчи Эркин Алимов, — Фар-монда дабдабали тўй қилишга ошққан, маъракаларни катта харажатлар эвазига, исрофгарчиликка йўл қўйган айрим одам-ларнинг миллий расм-русумларга путур етказиши адолатли кўрсатилган. Манман-ликка берилиш ёки ким ўзарга маросим-лар ўтказиш ўрнига болаларимизни яхши қийинтирсак, элга фойдаси тегадиган қи-либ ўқитсак, ёш авлодни келажақ Вата-нимиз истиқболини кўтариш учун тарбия-ласак, Ўзбекистонимиз обрўси жаҳон ми-қёсидида ибрат бўлиб қолажак. Халқимиз нафсониятига тегаётган, эл-юрт анъана-ларини менсимайтган шўхратпарастлар-нинг жловини тортиб қўйиш вақти кел-ди.

Ҳайдовчи Илёс Ғиёсов, чилангар Али-бек Аҳмадбеков, аккумуляторчи Шокир Файзиевлар ўзларининг фикр ва мулоҳа-заларида баъзи тўй ва маъракаларда ис-рофгарчиликка йўл қўйётган дабдабоз шахсларни қатъий қораладилар ва Фар-монни чуқур ўрганишга ҳамкасбларини даъват этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фармо-ни 2-трамвай депосида ҳам қизгин муҳо-кама қилинди. Президент Фармони мат-нини депо бошлиғи Абдурахим Абдуха-лилов ўқиб эшиттирди. Муҳокамага йи-гилган трамвайчилар уни зўр қизиқиш билан тингладилар.

— Президентимиз Фармониди таъкид-лаб ўтилганидек, манманликка берилган мансабдорлар тўй ва маъракаларни ўт-казишда ўзини кўз-кўз қилиш ва «хотам-той» қилиб кўрсатишга уринганлар. Халқ-нинг урф-одатларини оёқости қилганлар-ни тартиб ва интизомга қақирадиган бу Фармон ижтимоий ва моддий фаровон-лигимизни мустақамлаш йўлида асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилишига қафолат бераман, — дейди А. Абдухалилов.

— Кейинги пайтларда бешик тўйлари, ке-лин чарларлар, хотин ошлар каби маро-симлар кимўзар қабилида тус олди. Айниқ-са келин чарларда тортиладиган хилма-хил таомлар исрофгарчиликка олиб келди, — деб сўзида давом этди депо ходимлар бўлими бошлиғи Назира Холиқова. — Бемаъни ял-лачилар, ер депсиниб ўйнашлар ота-бобо-ларимизнинг яхши урф-одатларига тексари-лиги ҳаммага маълум-ку! Никоҳ маросимла-рида келин ва куёвнинг онасини, амма ва холава-чаларини ўртага тақдир қилиб ўйна-тишлар, жарақ-жарақ юз сўмликларни қи-стиришлар фарзандларимизнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Пре-зидентимизнинг Фармони бундай салбий ил-латларга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Фармони юзасидан муҳокама-га чиққан депо бош муҳандиси Шавкат Су-лаймонов, цех бошлиғи Алишер Мирзабе-ков, ҳўжалик ишлари бўйича депо бошлиғи ўринбосари Шукуралӣ Бақодиров ва бош-қалар халқимиз шаънига доғ тушираётган бойвачча ва мансабдорларнинг ноўя қи-лишларини қатъий қораладилар.

Анвар АЛИМОВ,
Фаттоҳ АБДУРАХИМОВ.

Автобусда ёнидаги аёлга тез-тез қараб қўйётган она-хон, ниҳоят гап қотди:
— Кулоғингиздаги исирға-ни ким ясаган? Бир кўрай, — дея қўл узатди. Аёл исирға-сини эҳтиётлаб силанган она-хонга гап қотди:

— Бир уста танишим бор. Ўшанга буюртирганман.
— Жуда ҳам ярашибди, — онахон алкади, — ёшингизга мос, ҳуснингизга ҳус қўшиб-ди. Айтганча, устангизнинг исми нима?
— Фасхиддин. Аммо жуда ҳам мохир. Кўрсангиз, уста ҳам деб ўйламайсиз. Бирам камсукумки...

Уста Фасхиддин ёнимдан кўтари-либ кетиши ҳам мумкин эди. Муста-қиллигимизнинг этти йиллиги араф-сида Президентимизнинг Фармони билан Ватанимизнинг юксак муқофотига са-зовор бўлганлар орасида Фасхиддин Дадамухамедовга ҳам қўшим тушиб қолди. У «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» юксак унвонига сазовор бўлганди. Урашганда билдимки уста Фасхиддин йўловчи аёл таъриф-лагандан ҳам камсукум экан...

— Фасхиддин, заргарлик сизга ота қасби?

— Йўқ. Она томонидан бобом жу-да ўқимшли бўлганлар. Уларнинг, билмадим қанча китоб бор экан, кў-тубхоналари бор эди. Аксарияти араб ва форс тилида эди. Бобом жуда шир-инсўз, мулло табиат инсон эдилар. Маҳалла-қўйда ҳам Мулла Қори деб мурожаат қилишарди. Одоб, ода-мийлик ҳақида бири-бирдан ибрат-ли ҳикоятлар айтиб берадилар. Дои-мо «Жаннат оналар оёғи остидадир» деб ўғит берадилар. Онамни, ра-фикамини, қолаверса барча аёлларни эҳтиром қилишим балки шундандир.

— Ўша ҳикоятлардан бирини айтиб бера оласизми?

— Бир боғбоннинг ёлғиз қизи бор экан. Уни иймонли, эътиқодли, покиз-да йигитга турмушга бераман, деб ният қилар экан. Кунлардан бир кун боғча бири хўшсурад йигит кирибди. Бир олман олиб, тишлабди. Кейин афсусланибди: «Ахир эгасидан сўра-ми едим-ку. Уни топиб рози қили-шим керак. Бўлмаса нима деган одам бўлман». Йигит боғбонни топиб, во-қеани айтиб, «Нима қилсам рози бў-ласиз?» деб сўрабди. «Бир қизим бор, икки қўли йўқ, икки оёғи йўқ, тили йўқ, оғзи йўқ, кўзи йўқ. Шунга уйлан-сангиз розиман» дебди боғбон. Йи-гит изтиробга тушибди. Аммо начо-ра: оғзига сўз олиб қўйган. Тўй бў-либди. Чимилдида кўрса қиз шуна-қанги хўшсурад эмишди, асти қўяве-расиз. Йигит боғбонга қараб: «Нега мени алдайсиз? Қизингизнинг ҳамма аъзоси жойида, бунинг устига шах-додларга муносиб экан-ку!» дебди. Боғбон қўлибди: «Қизим умрида ос-тона ҳатлаб қўчага чиқмаган, ёмон сўз айтмаган, бўлмағур гапларни эшитмаган, номахрамларга қўзи туш-маган, нобон нарсаларни тутмаган. Сизнинг бировнинг ҳақидан ўзингиз-


ни тийишингиз менга маъқул келди. Уни сизга муносиб кўрдим».

Бу ҳаёда машҳур бўлган ри-воят. Мазмунининг ўзбек айтиб ту-рибди: ўзгаларнинг нарсасини ол-ма, бировнинг ҳақини ема. Ижорда ҳам санъаткор айнан шундай бўл-моғи шарт.

— Бировга тақлид қилиб ном қозон-


илда халқ амалий санъати музейи-нинг жамағамаси мудири ҳам бўл-гансиз. Заргарликка қачон қўл ур-гансиз?

— Биласизми, гўзаллик яратиш иш-тиёқи ҳар бир инсонда бор. Бутун га-ана шу иштиёқни юзага чиқаришда қол-ган. Ўша жамағамда ишлаган йилла-рим тақдир мени Уста Ниёзали Хол-



Нишондорларимиз

ҚўЛЛАРГА ҚАСИДА АЙТГИМ КЕЛАДИ



ган ижодкорни ҳали кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ. Балки эшитгандир-сиз: уста Маҳмуд Усмоновнинг бир шо-гирди бор, Саидарроҳжон Саидмух-торхожиев. Қўли гул ганчкор. У ярат-ган қандилларни соатлаб томоша қи-либ тўймайсиз. Шу уста устозига тақ-лид қилиб юрса, унинг ишларидан қу-чирма, ном қозонармиди? Асло йўқ. Худди шундай минглаб зирақлар бор, бир-бирига асло ўхшамайди. Сиз ав-тотбусдаги воқеани айтиб бердингиз. Бу ҳам ахир мен учун катта муқофот!

— Мени бир нарсга ажаблантира-ди: қўлларнинг бўйича санъатшунос-сиз. Кўп йиллар давомида Давлат Санъат музейида ишлагингиз, 1977

матов билан учраштирди. Ниёзали ака-ни биласиз-а?

— Ҳа, биламан, ҳам заргар, ҳам минияторасоз устани айтмасиз-да...

— Худди ўша... Устанинг ишлари-га шундай мафтун бўлдимки, оқибатда тинчимни йўқотдим. Дардимни устага айтудим, бажонидил қабул қилди. Ниёзали ака менга заргарликнинг йўл-ларини, техникасини ўргатибгина қол-мади. У менга ҳар бир бўйимнинг та-биат билан уйғунлигини, гўзаллик кан-дай бўнёд бўлишини ўргатди. Қўзи ку-вонтириладиган барча нарсани табиат-дан олишни ўргатди.

— Бир гал Бобоқонов кўчасида-

ги уйингизни, иккинчи қаватдаги икки бўйра жойдаги гулзорни айт-гандингиз. Ота томонидан иморат-соз устозлардан бўлганингиз учун (Ғуломжон Дадамухамедов падари бузувкорингиз) мен бунини оддий қабул қилгандим. Ўша устанинг иши сизга «суяк сўриб» келган бўлса, бошқа соҳада намоён бўл-ган бўлса ажаб эмас... Ижодингиз-да, яратган ишларингизда Ўзе-бекистондаги турли заргарлик ма-ктабларининг анъанавийлиги му-жассамдек...

— Тўғри айтасиз. Заргарликда анъа-навийлик жуда муҳим деб ҳисоб-лайман. Мен бухороча билакузуклар — «Панжара тумор», «Дастпоно до-подор», «Дастпоно тумор»ларни ясалашга кўп марта мурожаат қил-ганман. «Халқа», «Қашкар балдоқ» ка-би исирғалар ясаганман. Жуда ҳам кам учрайдиган «Муҳаммадий» деб номланадиган зирак ҳам ясаганман. Ўзимнинг ижодим бўлган «Ойна зир-рак» ҳам яратганман.

— Нера бунга атагансиз?
— Чунки унинг ўртасида бир то-мча ўхшаш медаллон бор. Унга ойна қўйса ҳам бўлади, ёки ярақлатиб юбо-риш ҳам мумкин.

— Бухоро заргарлик мактабига меҳрингиз баянда экан. Шу мак-таб вақилларидан биронтасини би-ласизми?

— Мирок Комилонинг ишлари би-лан танишман. «Тафши дил» деган зир-раклар, билакузуклар, қўлчалар яратган.

— Агар сир бўлмаса, қандай ме-талл билан ишлайсиз? Кумуш би-ланми?

— Йўқ. Биз мелхор билан иш-лаймиз. У мел (бўр), никель, хромни-нг қотишмаси. Оқшар рангда бўлади. «Хунарманд» уюшмасининг аъзосиман. «Усто» бирлашмаси ҳисобида тураман. Ўғилларим, Мухиддин, Таъта, Бобур-лар ҳам ота қасбини эгаллашга иш-тиёқи баяндадиган бошим осмонга етади.

— Шундай ажойиб устанинг кас-би кенг тарқалмагани ҳақида ўйлаб қоламан, Фасхиддин...

— Нера ундай деб ўйлайсиз? Мен Республика бадий коллежиди дарс ҳам бераман. Ўндан ортиқ шогирдлар-им бор. Бу йил ҳам заргарлик бўли-мига талабалар қабул қилдик. Яна ян-ги шогирдларим бўлади. Менда бор билим — уларга ҳам қўйишга интила-ман. Халқимизнинг бу ажойиб санъа-ти бизга қадар етиб келибдими, ав-лодларимизга ҳам етиб боради. Бу чин уста сўзи.

Фасхиддин билан хайрлашаёт-тиб, унинг қўлларига қарадим: оддийгина, сизда, бизда бор қўллар. Айнан шу қўллар севги-лиларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг бир хуснига минг хусн қўшади-ган зирақлар, туморлар, балдоқ-лар, билакузуклар ясайди. Шу сабаб ажойиб заргарлик буюм-ларида завқ билан қараганингиз-да уни ясаган Фасхиддин Дада-мухамедовдек усталарни ҳам бир эслаб қўйиш, азизлар.

Ғолиб МИРЗО,
СУРАТДА: уста Фасхиддин Дадаму-хамедов. Уста ясаган заргарлик буюм-ларидан намуналар.
Рустам Шарипов олган суратлар.

Махсус «Оқшом» учун

ПОЙТАХТИНГИЗ ОДАМЛАРИ НИҲОЯТДА ГЎЗАЛ

Германиялик олим, тадбиркорлик бўйича маслаҳатчи, педагог
Хорст Лессинг билан суҳбат

— Жаноб Лессинг, бу галги ташириқингиз ҳам аввалгидек, ТАСИС дастури доирасида бўлди-ми?

— Ҳа, шундай. Маълум-ки, ТАСИС дастури турли таркибий дастурлардан иборат. Камина ўқув муас-сасалари раҳбарларини ислохотлар даврида қўлаб-қувватлаш таркибий дастури бўйича иш олиб бораман, шунинг учун ҳо-зир шу ерда, яъни Тошке-нтда — давлат ва жамият қурилиш академиясида тағлиқовчиларга маъруза-лар ўқияман. Ўзингиз айт-ганнингиздек, шу йил мар-тада келиб, ушбу дастур-нинг очилиши билан бо-глик, аникроги тингловчи-ларга педагогик психоло-гия, дидактика ва методи-ка бўйича концепция тайёрлаш билан шуғуллан-ганман.

— Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларида бўл-дингиз? Пойтахтимиз

Тошкент Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Мен ҳозирча Тошкент-да бўлдим. Яқинда икки дўстимиз билан Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиқмоқчи-миз. Фаргона водийси, Са-марқанд, сўнгра Амир Те-мур туғилган юрт — Шах-рисабзга ўтамиз, ундан сў-ра Бухорода бир-икки кун бўлмоқчимиз, кейин Хива, сўнг яна Тошкентга қайтиб келамиз. Энди Тошкент шаҳри хусусида гапирадиган бўлсам, бу — гуллаб-яшнаётган шаҳар... Дарахт-лар, хиёбонлар, фавворалар сон-саноксиз. Одамлари, айниқса, хотин-қизлари ни-ҳоятда гўзал. Уларни кўриб, одамда шундай таассурот туғиладики, улар ишга эмас, гўё байрамга бори-шаётгандек.

— Бу ерда амалга оширган ишларингиз ҳа-қида сўзлаб берсангиз.

— Мен беш ҳафтадан буён шу ерда — академия-да маърузалар ўқиб, семи-

нарлар ўтказиб келяпман. Машгулотлар давомида тингловчилар билан ўза-ро фикр алмашмоқдамиз.

— Энди келгуси ре-жаларингиз, яъни ўз соҳангиз бўйича бўла-диган ҳамкорлик истик-боллари ҳақида ҳам га-пириб берсангиз.

— ТАСИС дастури дои-расида олиб борилаётган машгулотларимиз келгуси йилнинг июль ойи охири-га қадар давом этади. Мен март-апрель ойлари-да яна келаман. Дастури-миз якунида немис фир-маларининг иқтисодиёт бўйича менежерлари бу ерга — Тошкентга тақлиф этилади. Улар иқтисодий алоқалар ва ҳамкорлик бўйича маҳаллий имко-ниятлар билан атрофлича танишадилар. Бўлажак ре-жаларимиз ҳозирча шу-лардан иборат.

Суҳбатдош
Мирзаали АҚБАРОВ.

Ибратнома

ПАРҲЕЗ

Бир киши Луқмони ҳакимдан сўрабди:

— Сен ҳам бизга ўхшаган чўпон эмасмидинг? Қан-дай қилиб улуг ҳаким даражасига кўтарилидинг?

Луқмони ҳаким дебди:

— Аввало худони танидим, омонатга хиёнат қил-мадим, рост гапирдим ва кераксиз сўзлардан пар-ҳез қилдим.

ВАСИЯТНОМА

Бир шўх ва ҳазилкаш шоир оламдан ўтибди. Ёсти-гининг тағидан васиятнома топишибди. Унда шун-дай ёзилган экан:

— Умрим факат яхшилик ва ҳазил-хузул билан ўт-ди. Бировнинг иғвосини қилмадим. Ҳаётда кўрганла-римни латифа қилиб, халқимни қулдирдим. Бирдан бир ниятим мендан кейин ҳам халқим ёзганларимни ўқиб, баҳраманд бўлсин.

ИЛТИМОС

Бир дарвеш араб ўлкасида баҳиллик билан маш-хур бўлган Шамоманинг хузурига келибди. Ундан би-рон нарсга беришини сўрабди.

Шунда Шамома дебди:

— Сен аввал менинг илтимосимни бажар, кейин нима керак бўлса, бераман. Дарвиш дебди:

— Қандай илтимосинг бор?

— Илтимосим шулки, мендан ҳеч қачон бирон нар-са сўрама.

Бахриддин ТУРҒУНОВ.

Ғазалхонлик

ЎЗАМА

Сен рутубатли фалакда нури омон излама,
Қаргалар қўнган маконда бозу бўстон излама.

Молпарастлар суҳбатида очма сўз лутф бобидин,
Зикна дастурхонидин беминнат ош-пон излама.

Оз е, оз укса, яна оз сўзла дермис Наҳибанд,
Бу ажиб ҳикмати бузсанг қўй, шараф-шон излама.

Ташнадаблар баҳраманд бўлсин ул меҳринг сойидин,
Минг саовбага восил ўзгунг ўзга эҳсон излама.

Эл азобин, мушқилин осон этарга шонса ким,
Сен улае ичра бўлак Ҳазрати Нисон излама.

Бад ният-ла ким қадим қўйса агар меҳроб аро,
Ҳар суҳудга беҳудда, қалбиди шаймон излама.

Сен Забихило, гуҳар деб бил элинг ҳар тошини,
Шул макон боғи жаҳондир ўзга бўстон излама.

ЎША НАВБЕЦИ

Найладин сенсиз жаҳонни дил уйи бўм-бўш эрур,
Сайрамас гулшанда булбул бағри қон хомуш эрур.

Ой, қўйи нури ёритмас, тийрабур ҳар бир қўнм,
Сен била ўтган йўлим оромжоним, туш эрур.

Айрилиқ достонининг ҳар сафҳаси дил аксидир,
Тақдирим сарчасимаси гал бирла ҳамоғуш эрур.

Ниқ билан солаан иморат охири вайрон эмиш,
Андалиб вайронда қолган мисли бир бойқуш эрур.

Эл кўриб аҳволи зорим зору зор қон йиғлади,
То ҳануз ул изтиробдин беҳуду беҳуш эрур.

Эй сулим, тарк айладинг оҳ найлай умрим боғини,
Энди дил бечора қуялар ул қанотсиз қуш эрур.

ГУЛШАННАМА

Сочларим оқиға бокма қалби оқ бир бандаман,
Бу қадим Туронзаминида ошқик гулшандаман.

Бу ҳаёт гулзориди бок булбули дилбаста кўй,
Қўйлағим Қиқус каби бул бехазон гулшандаман.

Толғ юлдузи қарақлар бу дийр осмониди,
Қўйлағини ёниб, жўшиб кўй бул анжумандаман.

Соф ният, орзу-тиллакка етгуси ҳар пок юрак,
Қайда эзулик жамулжам доимо мен андаман.

Шукриваллаҳ, Ҳақ қўйи нуридан равшан дилим,
Эл-улае васфини қулаб сақлағим эсон-тадамман.

Забихилло НУРУЛЛО.



17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар».
Телесериал.
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал
(АҚШ).
19.10 «Майк Хаммер — ҳусусий
детектив». Сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўлига навбат».

ШАНБА, 21

8.05 Хужастати кино.
9.00 13.50, 18.00, 19.55 20.00,
01.50 — «ТВ-хамкор», «Метео-
хабар».
9.25 «Болалар канали».
10.00 «Киноэртаслар».
11.20 «Лэсси». Болалар учун се-
риал.
12.00 «Тушки кино».
14.10 «Тропик ҳазирам». Теле-
сериял (АҚШ).
15.00 «Хинд киноси».
17.15 «Ҳаҷон ринги колдузлари
30-да». Спорт дастури.
18.20 «Пляж». Саргузашт се-
риал.

20.20 «Клип-сюррис». Серил.
21.10 «1/52». Спорт шархи.
21.25 Мунажжимлар башорати.
21.35, 23.15 — «30-каналда
шанба киношқош». 01.00 — М. Э. Ш. госпиталидаги
бошогрик хизмат». Ҳажвий серил
(АҚШ).

ЯҚШАНБА, 22

8.05 Ҳужжатли кино.
9.00, 13.50, 18.00, 19.55,
20.00 А.1.5.5. Ҳақ халқ

«Иттибоҳона».

9.25 «Болалар канали».

10.00 «Киноэртаслар».

11.20 «Лэсси». Болалар учун сериал.

11.45 «Уйинчоклар уйи». Компьютер уйинлари хаваскорлари учун дастур.

12.00 «Тушки кино».

14.10 «Тропик жазирама». Теле-сериал.

15.00 «Хали намойиш этилмаган премьера».

16.45 «Мускаймок». Мусикийдан олиш дастури.

17.30 «Алексей Назаров маркази».

12.00 «Тушки кино».
14.10 «Тропики забирама». Теле-
сериал.
15.00 «Халик наыйиш этилман
премьера».
16.45 «Мускайм». Муский-
дан олиш дастури.
17.30 «Алексей Назаров мар-
ка».
17.50 «Технологиялар ва ишби-
рмонлар дунёси». Ахборот-
кувуст дастури.
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал.
19.00 «Махфий хужжатлар». Се-
риал (АҚШ).

21.10 «Висол». Мусликий дас-
тур.
21.35, 23.15 «30-каналда якшан-
ба киноқошми».
01.55 «М. Э. Ш. госпиталидаги
бошорик хизмат». Ҳажвий
сериал.

9.20 Мультфильм.
9.45 «Рухоний сузи». Митропол-
ит Кирилл.
10.00, 15.00, 18.00, 21.25 — Ян-
гиликлар.
10.15 «Хонаки кубубхона».
10.40 Ийна Родина «Ака-ака»

жөнөкөйлөр оңдугуна», - «Ауу-
жөнөкөйлөр оңдугуна».

13.05 «Борис Брунов Райкин
хакида» - Чукча кылаиди».
Теледөмөлү.

13.30 Михаил Глуский ва Нико-
лай Губенко «Аскар фронтдан
келди» фильмида.

15.15 Лев Николаевинин «Циви-
лизация» дастурди Бонапарт
билан учурашу.

15.45 «Хайвонот оламида».

16.15 Мультифильмдар.

16.45 «Кутурчаш хизматиди».

17.15 Бу кандай содир булган
ошди. «Эдуард Стрельцов Фожи-

21.45 «Махфий хужжатлар». Се-
риал.
22.40 Муслим Магомаев
«Дустлари даврасида»
23.35 Биринчи канал коллекци-
си. «Йўдаги ҳаф-хатар» фран-
цуз детективи.

ЯКШАНБА, 22

7.50 Алексей Баталов «Бахт-са-
одат кучи» фильмида.
9.30, 16.35, 17.00 — «Дисней-
клуб».
10.00, 15.00, 24.00 — Янгйилик.

12.30 «Янгира, гармончи».

12.55 «Дехон ахборотнома-
зи».

13.30 «Қусто командасининг
барча сайхатлари». Серил.

14.25 «Кулги панорамаси».

Қўрастуви Е. Петросян олиб
боради.

15.15 «Сайхатчилар клуби».

16.05 Футбол шарҳи.

17.30 Леонид Якович «Тарих
илдирани» телеюнинда.

18.20 «Аралаш-қуралаш» журна-
лидаги кунюқ авоцалар.

18.20 «Аралаш-куралаш» журна-
лидаги кувнок вокалар.
18.30 Алексей Баталов «Ажойиб
кичирул хайёт» сериясида.
19.00 Олтин серия. Алексей Ба-
талов «Менинг азиз кишим»
фильмида.
21.00 «Время».
21.45 Жахон киноси. Брюс Уил-
лис «Гудзон қарғиси» саргузашт
фильмида.
23.30 Людмила Чурсина Андрей
Макаревичнинг «Абжур» дис-
тинда.
00.15 «Бағз-3», Фантастик се-

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133.74.01 телефонига мурожаат қилиш.